



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 25 июль, № 152 (7110)

Чоршанба

Сайтимизга Ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ, ТУРКМАНИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ТОЖИКИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июль куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Хорижий давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Президентини туғилган куни билан самимий табриклаб, кўп миллатли халқимизга тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тиладилар.

Мулоқотлар чоғида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, ижтимоий соҳани ислоҳ этиш ва иқтисодиётни либераллаштириш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаш борасида сифат жиҳатидан янги босқичда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг муттасил ошиб боришига хизмат қилаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини юритаётган вазмин ва конструктив ташқи сиёсатга, давлатимиз раҳбарининг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга, шунингдек, минтақамиз ва глобал миқёсда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган халқаро ва минтақавий ташаббусларига юксак баҳо берилди.

Жорий йил 22 июнь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича махсус резолюцияси қабул қилингани минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонч муҳитини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган амалий саъй-ҳаракатлар халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиб, кенг қўллаб-қувватланаётганидан далолат бериши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатларнинг долзарб жиҳатлари ва халқаро сиёсатда оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия Федерацияси Президенти

Владимир Путин билан мулоқотда Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилди.

Ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Россия Президентини футбол бўйича 2018 йилги Жаҳон чемпионати юксак даражада ўтказилгани ва унда Россия терма жамоаси муваффақиятли иштирок этгани билан самимий табрикланди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотда олий даражадаги икки томонлама учрашувлар якунида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўламда амалга ошириш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, аввало, савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва транзит, энергетика соҳаларидаги аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда маданий-гуманитар алмашувни кенгайтириш борасида томонларнинг иттилоши қатъий экани таъкидланди.

Мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиқнинг аниқ жиҳатлари шу қўшничилик биринчи яримида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари **Эсенмират Оразгелдиев** билан учрашувда муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари **Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаев** билан мулоқотда қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлашга, стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшаётган шахсий ҳиссаси учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзаро савдо ҳажмининг жадал ортиб бораётгани, қўшма лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани, транспорт қатнови кенгайиб, мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ва ҳудудлари ўрта-

сида фаол алоқалар ривожланаётгани, Қозоғистонда Ўзбекистон йили маданий-гуманитар ва ишбилармонлик тадбирларига бой ўтаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон билан мулоқотда Тожикистон раҳбарининг Ўзбекистонга илк давлат ташрифига тайёргарлик кўриш ҳамда бўлажак олий даражадаги учрашувлар дастурини аниқ мазмун, жумладан, ўзаро манфаатли лойиҳалар билан бойитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларини янада мустаҳкамлаш йўлида барча имкониятларни ишга солишга, қўшма бизнес ташаббуслари ва ҳудудлараро алоқаларни қўллаб-қувватлашга, маданий-гуманитар алмашинувларни ҳар томонлама фоллаштиришга келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари **Қирғизистон Президенти Сооронбай Жээнбеков** билан узоқ муддатли ҳамкорлиқнинг аниқ йўналишларини муҳокама қилди. Жорий йил март ойида Фарғона шаҳрида икки мамлакат Бош вазирлари раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараолди ҳудудлари раҳбарлари кенгаши биринчи мажлисининг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар кенг қўламли ҳамкорлиқни, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа соҳалардаги шериклиқни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқотда Туркия раҳбарининг жорий йил апрель ойининг охири — май ойининг бошида Ўзбекистонга давлат ташрифи якунида эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари иштирокида мамлакатимизда юқори технология ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, энергетика, транспорт-коммуникация ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хорижий давлатлар раҳбарларига самимий табрик учун миннатдорлик билдириб, ўз навбатида, дўст мамлакатлар — Россия, Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркия халқларига тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик тилади.

Ўзбекистон Президенти номига кўплаб давлат ва ҳукумат раҳбарлари, таниқли, сиёсий арбоблардан қутловлар келмоқда:

— Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;

— Корея Республикаси Президенти **Мун Чжэ Ин**;

— Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;

— Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;

— Арманистон Республикаси Президенти **Армен Саркисян**;

— Украина Президенти **Пётр Порошенко**;

— Ҳиндистон Республикаси Президенти **Рам Натх Ковинд**;

— Индонезия Республикаси Президенти **Жоко Видодо**;

— Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;

— Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**;

— Арманистон Республикаси Бош вазир **Никол Пашинян**;

— Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари, Президент ишлари бўйича вазир **шайх Мансур бин Зоид Ол Нахаён**;

— Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазир ўринбосари **шайх Сайф бин Зоид Ол Нахаён**;

— МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи қотиби **Сергей Лебедев**;

— Халқаро авиация қўмитаси раиси **Татьяна Анодина**;

— Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича делегацияси раиси **Ивета Григуле-Петерсе**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 26 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 140, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгаришлар киритилсин:

1) **65-модда:**
қуйидаги мазмундаги **иккинчи ва учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектаргача майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, —
фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
Ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектардан ортиқ майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, —
фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисми **тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;
2) **261-модданинг биринчи қисмидаги** «65-моддасининг иккинчи қисмида» деган сўзлар «65-моддасининг тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
3) **266-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг органилари номидан маъмурий ҳуқуқбўзарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чораларини қўллашга Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспектори ҳамда унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг, Тошкент шаҳрининг ва туманларнинг (шаҳарларнинг) ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бош давлат инспекторлари ҳақлидир».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И
Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Маҳаллий кино саноати миллий маданият ва санъатни ривожлантиришга, ёшларни садоқат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, кекса авлодга хурмат-эҳтиром қўратишга бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Кино инсон билимини орттиришда муҳим роль ўйнайди, унинг бой мазмун эса аҳолининг билимдонлик даражасига бевосита таъсир қилади.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳақиқий ҳолати миллий кино саноатининг жадал ривожланишига, жаҳон кино бозорида рақобатбардошлиқни оширишга, уни чет элда тарғиб қилишга тўққонлик қиладиган бир қатор хал этилганган муаммолар мавжудлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, ишлаб чиқиляётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратларининг етарли даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг асосий мақсадлари бўлган — ёш авлодни жасорат ва қатъиятлик руҳида тарбиялаш, ёт «оммавий маданият»га қарши курашиш кабилари амалга оширишга имкон бермайди;

иккинчидан, кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича давлат бююртмасини бериш юзасидан шаклланган амалиёт татбиқ қилинадиган тартибларнинг очиклиги ва шаффофлигини, бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланишни, шунингдек, кинематография соҳасида соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўққонлик қилади;

учинчидан, кино саноати соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегияси, ишлаб чиқиляётган кино маҳсулотларининг ўзини оқлаши ва даромад келтиришига қаратилган замонавий маркетинг тадқиқотлари ва аниқ мақсадли кино ишлаб чиқариш дастурларининг мавжуд эмаслиги миллий кинематографиянинг юқори зарар билан ишлашига олиб келмоқда;

(Давоми 2, 3-бетларда).

“Шавкат Мирзиёев — етук ва узоқни кўзлайдиган давлат арбоби, ҳақиқий ислохотчи”

Ўзбекистоннинг дунёга намоён бўлган янги имиджи ва юртимизда кечаётган янгиланишларга хорижий оммавий ахборот воситалари, нуфузли экспертлар, халқаро сиёсий институтлар томонидан катта қизиқиш билдирилмоқда.

ЭЪТИРОФ

Хусусан, **Бельгиянинг нуфузли “Euractiv” ахборот-таҳлилий журна-лида** “Ўзбекистон дунёга очилмоқда” номли мақола чоп этилди.



Материал Нидерландиядаги Европа хавфсизлик тадқиқотлари маркази эксперти Жос Бонстра ҳамда Бельгиядаги “Европа қўшничилик Кенгаши” нодавлат “ақл маркази” бўлиб бошлиги Андреас Марацис муаллифлигида ёзилган.

Қайд этилишича, Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита бошчилигида республикада кенг қўламли ислохотлар амалга ошириляпти. Сиёсий очиклик ва иқтисодий либераллашув жараёнлари натижаси ўлароқ мамлакат туб ўзгаришларга юз тутмоқдаки, мазкур ўзгаришларнинг таъсири Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ келажақдаги истиқболни белгилаб беради.

Бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан давлат бошқаруви тизими такомиллашиб

бормоқда. Кўплаб сиёсий махбۇслар озод қилинган, оммавий ахборот воситалари эркинлиги кучайиб, улар фаолиятида “иккинчи нафас” очилгани мақолада алоҳида таъкидланади. Ҳукуматга ёш, замонавий фикрлайдиган мутахассислар жалб қилиниши эса ўзгаришларнинг жадаллиги ва изчиллигини таъминлашга хизмат қилаётир.

“Энг муҳими, барча янгиланишлар ташқаридан бирон таъсир ёки турткисиз, республика раҳбариятининг бевосита ташаббуси ва қатъий иродаси билан амалга оширилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ўзини замонамизнинг етук ва узоқни кўзлайдиган давлат арбоби, ҳақиқий ислохотчи сифатида намоён этаётир”, деб ёзди муаллифлар.

Ўзбекистоннинг янги очиклик сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан “позитив ишора” сифатида қабул қилинди. Натижада сўнгги вақтларда хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатга қизиқиши кескин ортиши кузатиляётир. Расмий Тошкент даярли барча соҳада очиклик ва ҳамкорликка тайёрглигини билдираётир. Қўшни давлатлар билан муносабатларда узоқ йиллар мобайнида сақланиб қолган муаммоларнинг хал қилиниши Шавкат Мирзиёев эришган катта ютуқлардан бири бўлди.

Бундан келиб чиққан ҳолда таҳлилчилар Европа иттифоқи Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни жадаллаштириши лозим, деб ҳисоблайди. Бунинг учун қисқа ва ўрта муддатта мўлжалланган ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги тавсия қилинади.

Буюк Британиянинг “Reuters” ахборот агентлиги журналистлари юртимизда кенаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб, бу борада кўплаб мақолалар чоп этмоқда. Жумладан, яқинда эълон қилинган материалда мамлакатимиз Марказий Осиёдаги



воқеа-ходисаларнинг “драйвери”, яъни “ҳаракатлантирувчи кучи” сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистондаги иқтисодий модернизация ва либераллашув жараёнлари ҳақида фикр юритар экан, агентлик журналистлари экспорт ҳамда импорт соҳасида кўплаб янгилликлар кiritилгани, бу эса маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар фаолияти учун қўшимча қулайликлар яратганини эслаб ўтишди. Масалан, кўплаб товарлар импорти учун белгиланган тўсқин ва тўловлар бекор қилинган, бохона тартибининг соддалаштирилгани алоҳида таъкидланади. Натижада мамлакат бозорининг “рангбаранглашуви” кузатиляётир.

(Давоми 4-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

МИЛЛИЙ КИНОИНДУСТРИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:
2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, “Ўзбекино” МА Бадийй кенгаши томонидан давлат буюртмаси асосида суратга олинадиган киномаҳсулотларнинг йиллик тематик режаси юзага келаётган вазият, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган янгиланишлар, шунингдек, аҳолининг мазмунли кинофильмларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади;

ишлаб чиқариладиган бадийй фильмларни давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадийй фильмларнинг йиллик ҳаҷмига нисбатан фоизда жанрлар бўйича квоталаш тизими жорий этилади;

2019 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, мамлакатдағи барча кинотеатрларда намойиш этиладиган маҳаллий бадийй фильмлар намойиши ҳаҷмларини — суткада иккитадан кам бўлмаган шу каби тўлиқ метражи фильмлар билан, 2021 йил 1 январдан эса ойлик экран вақтининг 25 фоизидан кам бўлмаган, байрам кунлари 40 фоиздан кам бўлмаган миқдорда квоталаш тизими жорий этилади;

давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган бадийй фильмларнинг смета харажатларида кўрсатилган маблагнинг 10 фоизи фақатгина уларнинг рекламаси ва телевидение, радио ва интернет тармоқларидағи пиар-компаниясига, шунингдек, ташқи рекламасини жойлаштириш учун фойдаланилади;

давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидағи телерадиоканалларда реклама қилиш, Миллий телерадиокомпания телеканалларида намойиш қилишда “Ўзбекино” АНанинг шахсий кино маҳсулотлари учун муаллифлик ва мулкий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда, имтиёзли шартларда амалга оширилади;

кинокомпанияларнинг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотларини ишлаб чиқаришдағи иштироки фақат “Ўзбекино” МА томонидан қонун ҳужжатларига асосан ташкил этиладиган танлов асосида амалга оширилади;

“Ўзбекино” МА Бадийй кенгаши таркиби продюсерлар, адиблар, тарихчилар, кинооператорлар, режиссёрлар, кинопрокатчилар, кинотанқидчилар, психологлар, кинематография соҳасидағи нодавлат ташкилотлар вакиллари ва бошқа мутахассислардан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда “Ўзбекино” МА томонидан тасдикланади;

“Ўзбекино” МА Бадийй кенгаши таркибига, Кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарорларга бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлган шахсларнинг киришига ва уларнинг танловда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

“Ўзбекино” МА Бадийй кенгаши томонидан давлат буюртмаси бўйича киномаҳсулотни ишлаб чиқариш юзасидан шартномада белгиланган киномаҳсулотлар ишлаб чиқаришининг ҳар бир босқичи аяқунда, тайёр маҳсулот, режиссёрлик сценарийсига, харажатлар сметаси параметрларига, суратга олиш жараёнининг техник ва технологик талабларига мослиғини ҳамда бошқа талабларга риоя этилиши юзасидан баҳолангандан сўнг, ушбу киномаҳсулот (унинг қисмлари) қабул қилинади.

“Ўзбекино” МА Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридағи Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиғи, Молия вазирлиғи, Адлия вазирлиғи ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 октябрга қадар мuddатда давлат буюртмаси бўйича ишлаб чиқариладиган кино маҳсулотлари учун конкурс ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, конкурсда қатнашадиган кинокомпаниялар учун талабларни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдағи ПҚ–3176-сонли қарори билан ташкил этилган Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг иқтидорли битирувчиларини ҳамда институтда “Ижро этувчи продюсер” ва “Кинорежиссура ва кинодраматургия” йўналишлари бўйича дастлабки саралашдан ўтган бакалавр даражасига эга миллий кинематография соҳасининг мутахассисларини С. А. Герасимов номидағи Бутунроссия кинематография давлат институти (кейинги ўринларда — БКДИ) қошидағи “Кино ва телевидение”нинг олий курслариға ўқишга юбориш;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бакалавриятининг ихтисослашган йўналишлари иқтидорли битирувчилари учун БКДИ ассистентура-стажировкасида “Ижро этувчи продюсер”, “Драматургия” ва “Аудиовизуал санъат режиссураси” мутахассисликлари бўйича ўқишларни ташкил этиш;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳрида кинематография соҳасининг малакали кадрларини тайёрлаш бўйича БКДИ филиалини (қўшма факультетини) очиш, ўқитувчилик фаолиятига БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида аввал тайёргарликдан ўтган мутахассисларни, шунингдек, мастер-класслар ўтказиш учун институт профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш тўғрисидағи тақлифлари маъқуллансин.

4. “Ўзбекино” Миллий агентлиғи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Маданият вазирлиғи ва Ташқи ишлар вазирлиғи билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар бўлган мuddатда БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти битирувчилари ҳамда республика мутахассислари ўқишини ташкил этиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида институт филиалини (қўшма факультетини) очиш бўйича БКДИ раҳбарияти билан музокаралар ўтказсин.

Белгилансинки:

БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқишга юбориладиган шахслар сони “Ўзбекино” Миллий агентлиғи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи билан биргаликда теғишли соҳа мутахассислариға бўлган эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдикланади;

БКДИ юқори курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот маркази томонидан марказга ушбу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

БКДИ олий курсларида ва ассистентура-стажировкасида ўқиш учун саралашдан муваффақиятли ўтган номзодлар билан шартномалар тузилади. Шартномаларда номзодларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳамда БКДИнинг Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган филиалида (қўшма факультетида) камида уч йил мuddатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мажбурияти белгिलाб қўйилади.

5. Куйидагилар асосий вазифалари этиб белгиланган “Ўзбекино” Миллий агентлиғи ҳузурида Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин:

киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини шартнома асосида режиссура, продюсерлик, актёрлик маҳорати, кинооператорлик, анимация

ва бошқа йўналишлар бўйича қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш; назарий жиҳатдан тайёрлашни амалий ишлар билан интеграция қилиш, киноиндустрия соҳасида тажрибага эга малакали ўқитувчилар ва мутахассисларни, шунингдек, хорижий экспертларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларига жалб қилиш;

методик ва ахборот базасини яратиш, аяқшилаш, доимий янгилаб бориш, киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича зарур ўқув қўлланмалари ҳамда тавсияларини ишлаб чиқиш; киноиндустрия соҳаси ходимларининг хорижий кинокомпанияларда қайта тайёрланиши ва уларнинг малакаси оширилишини ташкил этиш, чет элик ҳамкорлар билан ақин алоқаларни йўлга қўйиш.

Белгиллаб қўйилсинки:

Марказ давлат унитар корхонаси шаклида ташкил этилади; Марказ киноиндустрия соҳасининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, кинокомпанияларнинг ижодий-ишлаб чиқариш, техник ва бошқа ходимларини ўқитиш учун олинадиган маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказга “Ўзбекино” Миллий агентлиғи бош директори томонидан лавозимга тайинланадиган ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилады.

6. Куйидагилар:

“Ўзбекино” Миллий агентлиғи ҳузуридағи Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази тузилмаси 1-иловаға мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида киноиндустрияни янада тақомиллаштириш “Йўл харитаси” 2-иловаға мувофиқ;

“Учта шаҳар”, “101” ва “Қаҳрамонлар” лойиҳаларини амалга ошириш “Йўл харитаси” 3-иловаға мувофиқ тасдиқлансин.

“Учта шаҳар” лойиҳасини амалга ошириш доирасида комплекс ташкилий-техник ва ҳуқуқий масалаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида ҳал этилиши учун:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг раиси С. Р. Холмуродов — “Халқ дипломатияси шаҳри” мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. А. Абдуҳақимов — “Этношаҳар” мажмуи қисми юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқарувининг раиси А. С. Султонов — “Киношаҳар” мажмуи қисми юзасидан шахсан жавобгар эканлиғи белгिलाб қўйилсин.

7. “Ўзбекино” Миллий агентлиғи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон кинематографиясини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиғи, Маданият вазирлиғи ва Молия вазирлиғи билан биргаликда ҳар йили энг яағиши маҳаллий кино маҳсулотларининг Канн, Берлин, Венеция, Роттердам, Пусан, Москва ва бошқа машҳур халқро кинофестивалларда, шунингдек, жаҳоннинг йирик нуфузли кинобозорларида намойиш этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи “Ўзбекино” Миллий агентлиғининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича халқаро кинофестиваллар ва кинобозорларда маҳаллий кино маҳсулотларини намойиш этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун “Ўзбекино” Миллий агентлиғи қошидағи Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси маблағларини ҳисобға олган ҳолда бюджет маблағларини ажратсин.

8. 2018 йил 1 августдан бошлаб “Ўзбекино” Миллий агентлиғи марказий аппаратининг ходимлариға уларнинг меҳнатиға ҳақ тўлаш ойлик жамғармасининг 100 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган шахсий устама белгилансин.

Давлат ва жамият бошқарувида ҳам, бизнесни тараққий эттиришда ҳам, умуман, барча соҳа ривожида салоҳиятли ёшлар муҳим ўрин тутади. Сабаби улар жамият учун “янги қон” вазифасини ўтайди. Янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда ана шу қатламнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Ёшлар — келажағимиз

Мамлакатимизда салоҳиятли янги авлодни камол топтириш — устувор вазифадир.

Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажағи учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 27 июнь санаси юртимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилган кун си-фатида тарихға мухurlанди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжатнинг муҳимлиғи шундаки, у жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тadbиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тadbиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбға чиқариш, шунингдек, шу асосда ёшлар бандлиғи-ни таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган.

Албатта, ушбу ҳужжатнинг самарали ижро этилишини таъминлаш барчамиз учун устувор вазифа. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар ма-

берилган топшириқлар ижроси юзасидан ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қатор ишлар амалға оширилди. Хусусан, Давлат дастури ижросини жойларда самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудиға Қонунчилик палатасининг Ёшлар масала-лари бўйича комиссияси аъзолари ва депутатлар би-риктирилиб, улар Республи-

тирокида амалий мулоқот ҳамда семинарлар ўтказилди. Қонунчилик палатаси де-путатлари иштирокидағи бундай семинарлар барча ту-ман ва шаҳарларда ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси де-путатлари туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ёшлар билан учрашишди, аниқланган муаммоларни ҳал этишда, тирокида амалий мулоқот ҳамда семинарлар ўтказилди. Қонунчилик палатаси де-путатлари туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ёшлар билан учрашишди, аниқланган муаммоларни ҳал этишда,

ишсиз йигит-қизлар бандли-гини таъминлашда ҳамда тadbиркорлик фаолиятини бош-лаш истағидағи ёшларға ама-лий ёрдам кўрсатишди. Шу билан бирға, Фармонда бел-гиланган вазифаларнинг жой-лардағи ижросини таъмин-лашда йўл қўйилаётган кам-чиликлар, юзаға келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйи-ча тавсиялар ҳамда кўрсат-малар бериб боришди. “Yoshlar — kelajagimiz” жам-ғармасининг туман ва шаҳар филиаллари директорлиғига номзодлар танлашда ҳам кўмаклашилди.

Албатта, бу ишлар катта-катта мақсади бор, бироқ уни амалға оширишда иккиланиб, бир оз қийналиб турган минглаб, миллионлаб ёшлар-ни руҳлантириш, табиий. Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар охир-оқибатда аниқ ташаббуси бор, янги-янги ғоялари билан юртимиз тараққийтиға ҳисса қўшишға тайёр бутун бошли бир авлодни юзаға чиқари-ши, шубҳасиздир.

Козимжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Ёшлар масалалари бўйича комиссия раиси.

“Шавкат Мирзиёев – етук ва узоқни кўзлайдиган давлат арбоби, ҳақиқий ислохотчи”

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўнгги вақтда республикада чет эл компаниялари сезиларли даражада фаоллашди, янги бизнес-субъектлар мамлакатга қизиқиш билдириб, бу ерда яратилган сармоявий муҳитни диққат билан ўрганишмоқда. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон Россия, Хитой ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш учун кўприк вазифасини ўтайди.

Мақолада юртимизда йирик давлат компаниялари монополиясини бекор қилиш ва уларни хусусийлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга юксак баҳо берилган. Валюта соҳасининг эркинлашуви эса барча кутган ва ҳамма учун бирдек манфаатли қарор сифатида қайд этилади. Республика хом ашё қазиб чиқаришга эмас, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жабҳасига инвестицияларни жалб қилаётганини таъкидлар экан, “Reuters” бу миллий иқтисодийнинг диверсификациялаш учун кўмаклашади, деб ҳисоблайди. Журналистларнинг фикрича, Шавкат Мирзиёев кўрсатмасига биноан давлат органлари томонидан статистика юритиш тартибининг такомиллаштирилиши мамлакатдаги иқтисодий вазиятни реал баҳолаш ва тўғри қарорлар қабул қилишга имконият яратди.

Республикамиз банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар нуфузли **“The Diplomat”** таҳлилий журналидаги мақола мавзуси бўлди. Муаллиф, иқтисодий таҳлилчи Паоло Сорбеллонинг ёзишича, Ўзбекистон ҳукуматининг молия соҳаси-

дирмоқда. Республика билан ҳамкорлик қилиш истагини араб давлатларининг ислом-банкнинг тамойили асосида ишлайдиган молия институтлари ҳамда Озарбайжон, Грузия, Туркиянинг қатор банклари ҳам билдирмоқда.

Агар шу пайтгача Ўзбекистонда, асосан, маҳаллий банклар фаоллик юритган бўлса, энди хорижий ҳамкорлар билан алоқалар жадаллашмоқда. Бунинг сабаби республикада бошланган ислохотлар унинг хорижий сармоядорлар

имкониятни кўлга киритадилар. Учунчидан эса истиқболда маҳаллий банклар ҳам чет эл бозорларини “ўзлаштиришлари” мумкин бўлади.



INDEPENDENT

Буюк Британиянинг яна бир наشري — “The Independent” газетаси юртимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хорижлик меҳмонлар учун яратилаётган қулайликларга тўхталади.

Журналист Жоанна Вайтхеднинг ёзишича, Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги имкониятлари республикага виза олиш тартибининг низоҳатда мураккаблиги туфайли чекланган эди. Буюк Ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган ўлкага бориш учун хорижликлар ойлаб кутишига, кўплаб ҳужжатларни тўлдиришига тўғри келарди. Бу йўлдаги турли бюрократик тўсиқлар республикага сайёҳлар оқими ортисида тўсиқлик қилиб келган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарорига кўра, электрон визаларнинг жорий қилиниши, ҳақиқатан ҳам, “инкилобий янгиллик” сифатида эътироф этилади. Ушбу ташаббус нафақат республикага кириш тартибини соддалаштиради, балки унинг шаффофлигини таъминлаб, “инсон омили”ни энг қуйи даражага олиб келади.

2017 йил декабрда ва 2018 йил февралда виза тартиби бўйича қарорлар қабул қилинган бўлиб, электрон визаларнинг киритилиши бу борадаги ислохотларнинг мантикий давоми бўлди. “Энди сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хиванинг гўзал ва маҳобатли обидаларини бориб кўриш учун ойлаб кутмайдилар. Буюк британияликлар бу борада биринчилардан бўлиб ўзбек заминига отландилар”, дейилади мақолада.

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Айни кунларда кўпчилик юртдошларимизни олий таълим муассасаларига бу йилги қабул жараёни қандай ўтказилиши қизиқтирмакда. Зеро, ёшлар талаба бўлишни, ота-оналар фарзандлари ҳаётида янги саҳифа очилишини, устоз-мураббийлар эзгу мақсад йўлида чекилган машаққатлар мевасини кўришни исташи аниқ. Шу билан бирга, барча муддаолар рўёби ижодий имтиҳонлар ва тест синовларининг шаффоф тарзда, ҳалоллик ҳамда адолат мезонлари асосида ташкил этилишига боғлиқ.



XALQARO
PRESS KLUB

Ректорлар илк бор абитуриентлар, уларнинг ота-оналарига мурожаат йўллади

Хўш, бу борада мутасадди идоралар ва ташкилотлар томонидан қандай ишлар олиб боришмоқда? Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессиясида айни шу масалалар муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси раҳбарияти, олий таълим муассасалари ректорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида эҳтиёж юқори бўлган мутахассислар бўйича малякали мутахассисларни сифатли тайёрлаш мақсадида 2018/2019 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш квоталари шакллантирилган.

Давлат тест маркази директори Мажит Каримовнинг қайд этишича, мамлакатимиздаги жами 60 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 19 та филиалига 675 минг 49 нафар абитуриент ҳужжат топширган. Ҳар бир йилгит-қизда талаба бўлиш имконияти мавжуд. Бу йилги тест синовларининг олий таълим муассасаларидан мутлақо холи ҳудудда, камералар билан жиҳозланган, абитуриентларнинг ҳар бир ҳаракати мутахассислар ва жамоатчилик томонидан кўриб-кузатиб туриладиган катта аудиторияларда ўтказилиши қабул жараёнларининг буткул янги тизимда ташкил этилаётганидан далолатларди. Ана шундай очиклик ва соғлом рақобат асосида 69 минг 200 нафар (шундан, давлат гранти бўйича 17 минг 654 нафар, тўлов-контракт асосида 51 минг 546 нафар) бакалавр, 5 минг 903 нафар

(шундан, давлат грантига 1 минг 552 нафар ва тўлов-контракт асосида 4 минг 351 нафар) магистр танлаб олинади.

— Бакалавриятга тест синовларисиз ижодий имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича тасдиқланган таълим йўналишлари учун кириш имтиҳонлари жорий йил 25 июлдан 10 августгача ўтказилиши белгиланган, — дейди олий ва ўрта махсус таълим вазир-и Иномжон Мажидов. — Имтиҳонларнинг адолатли ўтишини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар кенгашларига сайланган депутатлар ҳамда абитуриентларнинг ота-оналари иштирокида жамоатчилик назорати ўрнатилди. Олий таълим муассасасида ўтказиладиган имтиҳон натижаларини шифрлаш ва текшириш жараёнларида ушбу олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчиси ёки ходимлари иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Амалий имтиҳон ишлари ва титул варағига идентификация рақамлари (шифр)ни қўйиш ва уларнинг махфийлигини таъминлаш учун тегишли вазирлик ёки идора томонидан масъул ходим бириктирилади. Ўз навбатида, барча олий таълим муассасаларида сиртки, кечки бўлимларга абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш белгиланган кунгача ўлиқ амалга оширилади.

Тадбирда олий таълим муассасалари ректорлари абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини турли кимсалар гапига ишониб, алданиб қолмасликдан огоҳлантирди. Уларнинг тест синовлари жамоатчилик кузатувида ошқора ва ҳаққоний ўтказилиши, ёшларнинг фақатгина кучли билим билан талабалар сафидан жой олиши мумкинлиги тўғрисидаги мурожаати кенг жамоатчиликка ҳавола этилди.

Дилшод КАРИМОВ,
(«Халқ сўзи») мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

ишчилар учун махсус кийим ва пойабзал сотиб олиш юзасидан энг яхши таклифлар бўйича УТЙ/НХ-09-сонли танловни эълон қилади.

Т/р	Махсулот номи	ГОСТ, ОСТ, ТУ, чизма	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Пойабзал	ГОСТ 12.4.137-2001	жуфт	24 422
2.	Махсус ёзги кийим логотипи билан	ГОСТ 27575-87	тўппам	30 000

Саволлар бўлса, қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(0-371) 237-96-33, 237-95-70, 237-94-63.

Энг яхши таклифлар бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун аризалар расмий бланкада **konkurs@railway.uz** электрон манзилига юборилиши лозим. Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда почта хизмати орқали ёки бевосита даъвогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур:
Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танлов ҳужжатлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 календарь куни мобайнида қабул қилинади.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси



**Расмий дистрибьютор
Тошкентдаги омбордан
таклиф этади.**

Тел.: (+998 93) 555-00-95,
(+998 93) 555-12-88,
(0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru



Махсулот сертификатланган.

508/250

«КРАНЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКА» ЗАВОДИ

KRANTAS

- Юк кўтариш қуввати 16 тоннадан 50 тоннагача бўлган автокранлар;
- Юк кўтариш қуввати 3 тоннадан 10 тоннагача бўлган кран-манипуляторлар;
- Балансдикка кўтариш қуввати 11 метрдан 31 метргача бўлган автокўтаргичлар;
- Фургон кузовли юк автомобиллари 3 тоннадан 9 тоннагача;
- Ҳажми 4 дан 16 м³ гача бўлган ёниги ташувчи автоцистерналар ва автоёниги куйгичлар;
- Ҳажми 4 дан 12 м³ гача бўлган сув ташиш учун автоцистерналар;
- Вагон-уйчалар;
- 4x4 — 22 ўринли, 6x6 — 26 ўринли вахтали автобуслар;
- Ҳажми 4 дан 8 м³ гача бўлган сугорувчи-уювчи автоцистерналар (машиналар);
- Ҳажми 6 дан 10 м³ гача бўлган кислота ташувчи автоцистерналар;
- Цистернаси ҳажми 6 дан 8 м³ гача бўлган автогудронаторлар;
- Яримтиркамалар (бортли, тентли-пардали, ёниги ташувчи, нефть ташувчи).



**ЯНГИ
минорали
кранлар,
кўтариш
қуввати —
8 — 12
тонна**

Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар к., 1.
Тел./факс: (+99871) 269-15-33, 262-97-78, 262-23-61.
Моб.: (+99890) 315-99-17, 187-52-05, 188-15-33.
E-mail: cst2008@mail.ru, krantas@inbox.uz
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти жамоаси директор Хатам Бахронович Ашуровга онаси **Асал АШУРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси Информацион-коммуникацион технологиялар кафедраси профессори

Зокир Шокирович АФЗАЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳас — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.25 Тошпирилди — 02.35 1 2 3 4 5 6